Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2013 йил 22 февраль, № 37 (5711) Жума

Янгиликлар, воқеалар, хабарлар

Бухоро автомобильйўллар касб-ҳунар коллежини тугатган Улуғбек Аҳмадов олган билимини “Транстехэнерготаъмир” хусусий корхонасида амалда қўллашга киришди.

Хизмат турлари кўпаяди

Ёш мутахассис автомобилларга техник хизмат кўрсатишга ихтисослаштирилган корхонанинг тажрибали усталари томонидан шогирдликка қабул қилинди.

— Фаолиятимизни бошлаганимизга ҳали кўп вақт бўлгани йўқ, — дейди корхона раҳбари Ҳамза Раҳматов. — Хориждан замонавий ускуналар, жумладан, компьютер воситасида техник носоз машиналарга тезкор ташхис қўювчи жиҳозлар харид қилдик. Бунда шахсий жамғармамиз ҳамда банк томонидан ажратилган 31 миллион сўмлик кредит маблағи бизга қўл келди. Айни дамда мижозларга тўрт турдаги техник хизмат кўрсатаяпмиз. Яқин истиқболда хизмат турларини саккизтага етказишни мўлжаллаб турибмиз.

Айтиш ўринлики, 2012 йилда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун вилоятдаги тижорат банклари кичик бизнес субъектларига 27,5 миллиард сўмлик кредитлар ажратган эди. Натижада тадбиркорлар томонидан кўплаб сервис тармоқлари, жумладан, автомобилларга техник хизмат кўрсатувчи 62 та шохобча фаолияти йўлга қўйилди.

И. ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Нафис либослар

Гулистон шаҳрида фаолият кўрсатаётган “Нафис либос” масъулияти чекланган жамиятида қўшимча қувватлар ўзлаштирилиши ҳисобига бу ерда меҳнат қилаётган ишчилар сони 787 нафарга етди.

Яъни корхонада қарийб 400 та иш ўрни яратилди. Жамиятда маҳсулотнинг ташқи дизайни ва сифатига алоҳида эътибор қаратилаётгани ишлаб чиқариш ҳажмининг муттасил ошишига сабаб бўлмоқда. Хусусан, якунланган йилда 3 миллиард 970 миллион сўмлик болалар ва аёлларга мўлжалланган либослар тайёрлашга эришилди. Шундан 646,1 минг АҚШ долларилик қисми хорижлик харидорларга етказиб берилиб, экспорт бўйича 151,2 фоиз ўсишга эришилди.

Умуман, Гулистон шаҳридаги саноат корхоналари томонидан 2012 йил давомида 12 миллион 807,7 минг АҚШ долларилик маҳсулот ташқи бозорда сотилди.

Ш. ХОЛМУРОДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ҳунарманд грант олди

Чуст шаҳрилик ҳунарманд Раҳимжон Убайдуллаев устахонасида 25 нафар ёшга темирчилик сирларини ўргатиш бўйича ўзи тузган лойиҳа асосида махсус курс ташкил қилди.

Ушбу лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан маъқулланиб, уни амалга ошириш учун 14,6 миллион сўмлик грант маблағи ажратилди.

— Бу сармоя “Устоз — шогирд” анъаналарини янада ривожлантириш имконини берди, — дейди уста. — Айни пайтда маҳсулотларимизни ташқи бозорга ҳам чиқариш юзасидан изланишлар олиб бораяпмиз.

Қ. НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Аҳоли бандлиги ва ривожланиш

Шомурот ШАРАПОВ олган сурат.

Давлатимиз раҳбари 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг маърузасида “Янги иш ўринлари ташкил этиш ва мамлакатимиз аҳолиси бандлигини таъминлаш 2013 йил ва ундан кейинги йилларга мўлжалланган мақсадли вазифаларни ҳал қилишнинг энг муҳим устувор йўналиши бўлиб қолади”, дея алоҳида таъкидлади.

Таҳлил

Дарҳақиқат, Юртбошимиз раҳнамолигида республикамизда изчил амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар эзгу мақсад — халқимизнинг ҳаёт даражасини ва сифатини юксалтиришга қаратилганлиги бугун ўзининг юксак самараларини бермоқда. Ушбу жараёнда, айниқса, аҳоли бандлигини таъминлаш, оилавий тадбиркорлик ва хусусий бизнесни янада ривожлантириш, аёллар меҳнатини енгиллаштириш, уларнинг бой тажрибасидан фаол ижтимоий, маданий ҳамда иқтисодий соҳаларда янада самарали фойдаланишда залворли амалий қадамлар қўйилгани диққатга сазовор. Бундай ижобий ўзгаришларни Фарғона вилояти мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Хусусан, 2012 йилда бу ерда 91805 та иш ўрнини ташкил этиш кўзда тутилган бўлса, якунда мазкур режа зиёди билан бажарилди.

(Давоми 2-бетда).

Семинар

Қорақалпоғистон Республикасининг Шуманай туманида хотин-қизлар қўмитаси мутахассислари, таълим муассасалари ўқитувчилари, ўқувчи-ёшлар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида Президентимизнинг “Юксак маънавият — енгилмас куч” асарини ўрганишга бағишланган семинар ташкил этилди.

Президент асарини ўрганишга бағишланди

Унда халқимиз маънавиятини юксалтириш, ёш авлоднинг онгини турли зарарли ғояларидан ҳимоя қилиш ҳақида сўз юритилди. Зеро, ҳозирги жадал глобаллашув жараёнида ёшларнинг маънавий соғлом вояга етишларида бундай тадбирларнинг аҳамияти беқиёс.

— Албатта, жамият тараққиётида инсон омилига юксак эътибор, унинг қадр-қимматини ошириш муҳим ўрин тутади, — дейди Шуманай агроиқтисодиёт касб-ҳунар коллежи директори ўринбосари Зауре Қарлибоева. — Бу эса бевосита ҳар биримиздан катта масъулият ва фидойиликни талаб этади. Юртбошимизнинг асарида келтирилган фикр-мулоҳазалар бу борада бизга дастуриламал бўлмоқда.

Семинарда, шунингдек, ёшларни баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш, ўқув даргоҳларида махсус дарсларни ташкил этиш, тўгараклар фаолиятини янада яхшилаш юзасидан ўзаро тажриба алмашилди.

Ҳ. АҲМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ҳамкорлик

Кеча Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ташаббуси билан пойтахтимиздаги “TechnoPlaza” индустриал бизнес марказида ташкил этилган тадбир кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида хорижий давлатлар билан ҳамкорликни янада ривожлантириш истиқболлари ҳамда иқтисодиётимизга чет эл сармояларини жалб қилиш масалаларига бағишланди.

Иқтисодий юксалиш мезони

Унда мамлакатимизда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус вакиллари, халқаро ташкилотлар ва молиявий институтлар мутахассислари қатнашди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси Алишер Шайхов таъкидлаганидек, Президентимиз раҳнамолигида изчил амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар туфайли юртимизда қулай инвестициявий муҳит яратилди. Чет эллик ишбилармонларнинг бизнес фаолиятини юритиш учун кенг қўламдаги имтиёзлар ва афзалликлар жорий қилинаётгани эса мамлакатимиз иқтисодиётига бўлган қизиқишни янада оширмоқда. Натижада унинг тармоқларига киритилаётган инвестициялар ҳажми йил сайин ортиб бораётир. 2012 йилда жалб этилган чет эл сармоялари 2 миллиард 500 миллион АҚШ долларидан ошгани, уларнинг 79 фоиздан кўпроғини тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ташкил қилгани бунинг яққол далилидир.

Инвестициялар ҳажмининг юқори суръатларда ўсиши чет эллик инвесторларнинг республикамиз иқтисодиёти барқарорлиги ва пишиқ-пухталигига, уни ривожлантириш истиқболларига бўлган ишончи ортиб бораётганлигидан далолат беради, албатта. Давлатимиз раҳбари томонидан 2012 йил 10 апрелда имзоланган “Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонга мувофиқ, тақдим қилинаётган имтиёзлар эса Ўзбекистоннинг инвестициявий жозибадорлиги тобора ошишида муҳим аҳамият касб этаяпти.

— Ўзбекистон ва Франция ўртасидаги алоқалар барча йўналишлар, айниқса, савдо-иқтисодий соҳаларда тобора ривожланиб бормоқда, — дейди Франциянинг юртимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Франсуа Готье. — Кейинги йилларда бизнес фаолиятини эркинлаштиришга хизмат қиладиган кўплаб қонун ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилинаётгани янги лойиҳалар рўёбга чиқишида муҳим омил бўлаётир.

(Давоми 2-бетда).

Инновацион технологиялар

ишлаб чиқариш самарадорлигини ортириш имконини бермоқда

Модернизация

Иссиқлик ва совуқлик ҳодисалари мўъжизавий қудратга эга эканлиги фанда ўз исботини топган. Инсон ақлзаковати, илмий изланишлари эса уни оқилона мақсадлар рўёби, ҳаёт фаровонлиги йўлида қўллаш имконини бермоқда.

Айни пайтда нефть ва газ саноати корхоналаридаги технологик жараёнлар ҳам ана шундай ҳарорат ҳосил қилиш асосида амалга оширилади. Масалан, ўтган йили Муборак газни қайта ишлаш заводида ишга туширилган суюлтирилган газ ва газ конденсати тайёрлаш мажмуасининг биринчи навбатида бу каби ноёб агрегатлардан унумли фойдаланилмоқда. Янги блок сиқув-компрессор станцияси, газни цеолит ёрдамида қуритиш ҳамда газдан пропан-бутан олиш қурилмаларидан иборат. Биргина иссиқлик алмашгич ускунасини олайлик. Унда уч хил ҳароратдаги оқим ҳосил қилинади. Бошқача айтганда, дастлаб уч оқимли пластина ва қовурғали “теплообменник”дан 50-60 даражадаги иссиқ газ 47 даражагача совитилади, кейин у 50 даража иссиқ ҳароратга қайтарилади. Бу эса, ўз навбатида, юқори сифатли газ конденсати олишда муҳим аҳамият касб этади.

— Президентимизнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида бизнинг корхонамиз ҳам алоҳида қайд этилди, — дейди таъмирчи уста, Ўзбекистон Қаҳрамони Қобил Мўминов. — Ҳақиқатан ҳам, бу истиқлолнинг дастлабки йилларида мутахассисларимиз томонидан рўёбга чиқарилган истиқболли лойиҳалар ҳамда модернизация ва реконструкция ишлари самарасидир.

(Давоми 2-бетда).

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида лицензияланадиган фаолият турлари ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартиришга доир қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Демократик бозор ислоҳотлари ва қонунчилик

Парламент қуйи палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари ҳамда Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмиталари ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда депутатлар, тегишли вазирлик, идоралар, тадбиркорлик субъектлари вакиллари иштирок этди.

Унда “Лицензияланадиган фаолият турлари ва рухсат бериш тартиб-таомиллари тубдан қисқартирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, республикамизда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, ортиқча маъмурий тўсиқларни бартараф этишга алоҳида эътибор қаратиб келинаяпти.

(Давоми 2-бетда).

Диққат, танлов!

*“Халқ сўзи” ва “Народное слово” газеталари таҳририяти **энг яхши мақола ва фотосуратлар** танловини эълон қилади. Ушбу танлов озод ва фаровон Ватанимизнинг сермазмун воқеаларга бой бугунги даврини акс эттириш, бирибиридан жозибали ўтаётган кунларга оид хабарларни ёритиш, юртдошларимизнинг “Обод турмуш йили” Давлат дастурини рўёбга чиқариш йўлидаги фидокорона меҳнатларини тасвирлашга имкон яратади.*

Топшириладиган материаллар ва фотосуратлар (ёки материаллар ва фотосуратлар туркуми) мустақил Ватанимизнинг ривожланишига йўналтирилган улкан ислоҳотлар ва ишларнинг асосий босқичларини намоён этиши лозим. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси, шунингдек, “Обод турмуш йили” Давлат дастурида белгилаб берилган устувор йўналишлар рўёбига бағишланиб юборилган мақолалар, ҳикоялар, тасвирлар ягона мақсад — мамлакатимиз тараққиёти, ҳозирги ва келажак авлод бахти учун кучли ижтимоий сиёсат олиб бораётган давлатимиз фуқаролари турмуш фаровонлигини янада юксалтириш йўлидан дадил интилаётганининг тарихий исботига айланиши, шубҳасиз.

Танловга қуйидаги тартибда материаллар қабул қилинади:

— муаллифлик ҳуқуқи учинчи шахсга берилмаган ва бошқа ОАВда жойлаштирилмаган муаллифлик мақолалари (электрон ёки А4 форматдаги қоғозга чоп этилган нусхада);

— 2013 йилда .jpeg форматда RGB ранглар текислигида суратга олинган, юқори сифатга эга ва 2000 пиксель ўлчовдаги фотосуратлар электрон нусхаларда қабул қилинади. Тасвирларда рамкалар ва ёзувларга йўл қўйилмайди. Фотосуратлар қисқа ва ишончли имзо билан тўлдирилиши керак.

Танловга ижодий ишларни қабул қилиш 2013 йил 1 декабргача давом этади. Танловда қатнашиш учун материаллар ва фотосуратларга муаллиф ҳамда унинг профессионал фаолияти тўғрисидаги маълумот, паспорт нусхаси ва телефон рақамлари илова қилиниши лозим. Энг яхши мақолалар ҳамда суратлар “Халқ сўзи” ва “Народное слово” газеталарида чоп этилади. Танлов натижаларини кўриб чиқишнинг сўнгги босқичида ҳакамлар ҳайъати томонидан мақолалар ва фотосуратларнинг уч нафар энг яхши муаллифлари эълон қилинади. Улар махсус диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

“Танлов учун материаллар” белгиси остидаги ижодий ишлар “Халқ сўзи” ва “Народное слово” газеталари таҳририятига қуйидаги манзил бўйича юборилади: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй ёки info@xs.uz электрон почтаси.

Телефонлар: 233-52-55, 233-10-28.

Демократик бозор ислоҳотлари ва қонунчилик

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бунинг учун мукаммал ҳуқуқий-ташкилий асос яратилиб, ҳаётга татбиқ этилди. Пировардида иқтисодиётни янада эркинлаштириш ва модернизация қилишнинг кафолати таъминланди. Айни пайтда давлатимиз раҳбарининг тегишли Фармон ва қарорлари асосида тадбиркорлик муҳитини тубдан яхшилаш, бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш ҳамда либераллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар изчил давом эттирилмоқда.

Давра суҳбатида кўриб чиқилган қонун лойиҳасининг қабул қилиниши ҳам шу нуқтаи назардан ниҳоятда долзарб эканлиги эътироф этилди.

Йиғилишда шу масала бўйича сиёсий партиялар фракциялари ҳамда Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи вакиллари томонидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Н. МУРОТОВ, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси:

— Ўзбекистонда тадбиркорлик субъектлари фаолияти ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш, бозор иқтисодиёти талаблари, халқаро стандартларга мувофиқ, бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, лицензия ва рухсат бериш тартиб-таомилларини қисқартириш ҳамда соддалаштиришга устувор аҳамият қаратилаяпти. Юртбошимизнинг тегишли Фармони ижросига доир ушбу қонун лойиҳаси ҳам бу борадаги чора-тадбирлар рўёбини ҳуқуқий-ташкилий жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиши, шубҳасиз. Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши давлат органларининг замонавий бозор механизмлари, иқтисодий воситалар ва омилларни амалиётга янада катта миқёсда татбиқ этишда айни муддаодир. Пировардида давлат органлари ва тадбиркорлик тузилмалари ўртасидаги ўзаро муносабатлар шаффофлаштирилиб, давлат ва хўжалик бошқаруви тизими демократлаштирилади. Буларнинг барчаси партиямиз сайловолди дастурига мосдир.

А. СОДИҚОВ, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси:

— Ўзбекистон Халқ демократик партияси дастурида ички бозорни мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар билан тўлдириш, ташқи бозорга рақобатбардош маҳсулотларни етказиб бериш, меҳнатга лаёқатли аҳоли қатламларини тўлақонли ҳамда муносиб ҳақ тўланадиган иш билан таъминлашга оид вазифалар белгиланган. Қонун лойиҳасида қимматбаҳо металлар ва тошлардан заргарлик буюмлари тайёрлаш, аудиовизуал асарлар, фонограммалар ва ЭҲМга мўлжалланган дастурлар учун моддий жисмларни ишлаб чиқариш, маҳаллий ва халқаро ҳаво йўналишлари бўйича йўловчилар ҳамда юклар ташиш, шахсий радиочақирув тармоқларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш, уларга хизмат кўрсатиш каби лицензияланадиган фаолият турлари бекор қилиниши алоҳида қайд этилаётгани ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш жоиз. Чунки шу асосда қишлоқ жойларида ишлаб чиқариш, ижтимоий, коммунал ва сервис инфратузилмалари каби йўналишлардаги масалаларга самарали ечим топилади. Буларнинг натижасида аҳоли учун янги иш ўринлари яратилади, уларнинг турмуш даражаси юксалиб, ижтимоий муҳофазаси мустаҳкамланади.

Ж. НИЁЗОВА, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси:

— Маълумки, давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 16 июлдаги Фармони асосида 80 та рухсатнома бериш тартиб-таомили, 15 та лицензияланадиган фаолият тури бекор қилинди. Шундан келиб чиқиб, ушбу қонун лойиҳасида бир қатор қонунларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши мўлжалланмоқда. Давра суҳбатида ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши ялпи ички маҳсулотда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши янада ортиши, миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлашда долзарб эканлиги қайд этилди.

Мухтасар айтганда, мазкур ҳуқуқий ҳужжат ҳаётда ўз рўёбини топса, миллий ишлаб чиқарувчилар томонидан маҳсулотлар етказиб бериш янада кенгайиб, ҳуқуқий ва иқтисодий воситалар ривожлантирилади. Натижада маҳаллий тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш механизмлари кучаяди. Бу эса партиямиз сайловолди дастуридаги мақсад ҳамда вазифалар ижросига муштарақдир.

А. СУЛАЙМОНОВ, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси:

— Йиғилишда қонун лойиҳаси муфассал ўрганилиб, мулоҳазалар алмашилди. Таъкидлаш жоизки, ушбу ҳуқуқий ҳужжат партиямизнинг сайловолди дастуридаги иқтисодий-ижтимоий вазифалар мазмун-моҳиятига уйғундир. Унда маҳаллий ҳокимликларнинг рухсат бериш борасидаги ваколатлари қисқартирилиши илгари сурилаётгани хўжалик юритувчи, жумладан, тадбиркорлик субъектлари учун янада қулай ишбилармонлик муҳитини тақдим этади. Бу эса, партиямиз сайловолди дастурида ўз ифодасини топганидек, иқтисодий ўсиш натижаларини аҳолининг турли ижтимоий гуруҳлари ҳамда қатламлари турмуш сифатини оширишга йўналтириш имкониятларини кенгайтиради. Шунга мос равишда аҳоли реал даромадлари ва фаровонлиги янада ошишига олиб келади. "Адолат" СДП фракцияси депутатлари ушбу қонун лойиҳасига айнан шу нуқтаи назардан ёндашади.

Ф. ХОЛБОЕВ, Ўзбекистон экологик ҳаракатининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги депутатлар гуруҳи аъзоси:

— Ушбу қонун лойиҳаси Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳида атрофлича таҳлил этилди. Муҳокамалар жараёнида мазкур қонун лойиҳасида экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш билан бевосита алоқадор бўлган "Давлат санитария назорати тўғрисида"ги, "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги ҳамда "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги қонунларнинг тегишли моддаларига ўзгартишлар киритиш назарда тутилаётганига алоҳида тўхталиб ўтилди. Чунончи, бу объектларни қабул қилиш ва фойдаланиш, саноат ёки рўзғор чиқиндиларини тўплаш ёки кўмиб ташлаш, оқова сувларни оқизиш учун сув объектларидан фойдаланиш масалаларида мавжуд айрим бюрократик ғовларни бартараф этиш, тегишли қонун ҳужжатларини такомиллаштиришда салмоқли ўрин тутади.

Умуман, мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши ишбилармонлик ва тадбиркорлик муҳитини янада яхшилаш, иқтисодиётга тежамкор, экологик жиҳатдан тоза технологиялар ҳамда инновацияларни жорий этиш орқали самарадорликни оширишга хизмат қилади.

Давра суҳбатида муҳокама этилган масала бўйича таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилди.

Саиджон МАХСУМОВ.

Иқтисодий юксалиш мезони

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Француз ишбилармон доираларининг энергетика, туризм, транспорт, хизмат кўрсатиш, ахборот технологиялари, қишлоқ хўжалиги каби соҳаларга бўлган қизиқиши юқори. Ишончим комилки, мамлакатларимиз ўртасида иқтисодиётнинг бошқа соҳаларида ҳам ҳамкорлик алоқалари ривожланиб бораверади.

Тадбирда "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонаси ва "Ангрен" махсус индустриал зонаси, уларда хорижлик инвесторлар учун яратилган шарт-шароитлар ҳақида атрофлича маълумот берилди.

Қайд этилганидек, саноатимиз салоҳиятини юксалтириш, ички бозорни импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар билан тўлдириш, энг асосийси, экспорт ҳажмининг ўсишида ушбу саноат ҳудудлари алоҳида аҳамиятга эга. Бунинг исботини "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонасида фаолият кўрсатаётган 12 та корхона томонидан ўтган йили қарийб 80 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилгани мисолида кўриш мумкин. Айни пайтда бу ерда аккумулятор симлари, автомобиль газ баллонлари, мобиль ва стационар телефонлар, модемлар ҳамда интернет учун қўшимча мосламалар ишлаб чиқариш бўйича корхоналар ташкил этиш бўйича яна 7 та лойиҳа устида ишлар олиб борилаяпти.

Индустриал зоналарда фаолият кўрсатаётган корхоналарга киритилган инвестициялар ҳажмига қараб, солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда преференциялар берилиши, уларнинг инфратузилма объектлари ва коммуникация тармоқларига уланиши кафолатли равишда таъминланиши тадбир иштирокчиларининг қизиқишини оширди.

Саид РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Аҳоли бандлиги ва ривожланиш

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Вилоятда янги иш ўринлари дастурининг ижроси йўналишлар бўйича таҳлил қилинса, эришилган муваффақиятлар янада ойдинроқ намоён бўлади. Гап шундаки, бу борада янги объектларни ишга тушириш, мавжуд корхоналарни қайта қуриш, кенгайтириш ва ишлаб чиқариш қувватларини ошириш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда. Айнан мазкур йўналиш бўйича ҳаётга татбиқ этилган чора-тадбирлар натижасида 8400 тадан зиёд иш ўрни яратишга муваффақ бўлинди. Бундан ташқари, тадбиркорларни ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилиш, шартномаларнинг бажарилишини назоратга олиш масаласи ҳам диққат-эътиборда турибди. Жумладан, вилоятда фаолият кўрсатмаётган 2546 та тадбиркорлик субъектининг фаолияти ўрганиб чиқилгач, 4 тасига бино қуриш учун ер ажратилди, 94 тасига эса муаммоларни ҳал этишда амалий ёрдам берилди. Пировардида уларнинг фаолияти қайтадан тикланиб, 300 га яқин янги иш ўрни ташкил қилинди. Қолаверса, шартномавий режаларнинг бажарилишидаги ўзибўларчиликларга барҳам берилиб, 3 та хорижий, 6 та чет эл инвестицияси иштирокидаги корхона қайтадан давлат рўйхатига олинди. Ўз навбатида, яна юзлаб янги иш жойи яратилди.

Маълумки, муҳим ижтимоий аҳамиятга эга бўлган мазкур масалани ҳал этишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг ҳам ўзига хос ўрни бор. Вилоятда кичик корхона ва микрофирмаларни ташкил этиш ҳисобига 28642 та иш ўрни очилгани бунинг тасдиғидир.

Зеро, бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожини хусусий бизнес ва тадбиркорлик субъектларисиз тасаввур этиш қийин. Чунки мазкур соҳа оилавий даромад манбаи, фаровон турмуш кафолати, чексиз имкониятларнинг етакчи омили ҳисобланади. Шу жиҳатдан қараганда, юртимизда тадбиркорлик одамларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини юзага чиқарувчи воситага айланиб улгургани аҳамиятлидир. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг муҳим шакли сифатида оилавий корхоналарга, ишбилармонликка берилаётган ҳуқуқий кафолатлар эса, ўз навбатида, тармоқни узлуксиз тараққий эттириш ҳамда янги иш ўринларини ташкил этиш имконини яратаётир. Бунда, табиийки, вилоятда тўпланган яхши анъана ва тажриба муҳим аҳамият касб этмоқда. Миллий ҳунармандчилик ва касаначиликнинг турли шаклларини, авваламбор, улар билан корхоналар ўртасида кооператив муносабатларни кенгайтириш оилавий бизнесни ривожлантиришнинг муҳим манбаигина бўлиб қолмай, балки кўп болали аёллар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа қатламларини иш билан таъминлашда қўл келмоқда.

— Президентимизнинг Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасини диққат билан тингладим, — дейди олтиариқлик тадбиркор Азимжон Ўринбоев. — Айниқса, Юртбошимизнинг "Ҳар қайси оиладаги фаровонлик, юртдошларимизнинг ҳаётга бўлган муносабати, пировард натижада бутун жамиятимизнинг барқарорлиги, аввало, одамларимизнинг қандай иш билан таъминлангани, ўз меҳнатига яраша муносиб маош олишига боғлиқдир", деган сўзлари дилимиздаги гап бўлди. Нега деганда, оилавий бизнес туфайли қозонимиз ҳар куни қайнаяпти, чўмичимиз мой устида. Шунингдек, ўтган йили деҳқончилик ва боғдорчиликдан келган даромадимиз эвазига 2 та намунавий уй сотиб олдик. Ҳозир фарзандларимиз мана шу янги ҳовлиларда яшаяпти.

Бинобарин, вилоятда ёш оилалар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш масаласига ҳам устуворлик берилмоқда. Уларга банк кредитлари олишда амалий ёрдам кўрсатиш билан бирга, кулоллик, чилангарлик, заргарлик, каштачилик, дурадгорлик сингари ота-боболаримизнинг асрлардан-асрларга, авлодлардан-авлодларга ўтиб келаётган ҳунарлари "Устоз — шогирд" анъаналари асосида ўргатилмоқда.

Умуман олганда, шу каби эзгу ва амалий ишлар жамиятимизнинг маънавий негизларини ривожлантириш, азалий қадриятларни асраб-авайлаш, юксак маънавий муҳитни қарор топтириш, йигит-қизларимизнинг миллий менталитетимизга ёт бўлган зарарли таъсирларга тушиб қолмасликларида муҳим восита бўлиб хизмат қилаётир.

Набижон СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Дастурхон зийнати

Олтинкўл туманининг Олтинкўл қишлоғи ҳамда унга яқин маҳаллаларда истиқомат қилувчилар сут ва сут маҳсулотларини илгари туман маркази ёки Андижон шаҳридаги савдо шохобчаларидан олиб келишарди.

Изланиш

"Таъминот Анд" масъулияти чекланган жамияти ташкил этилгач, бу сингари оворагарчиликларга барҳам берилди. Йилига 150 тонна сутни қайта ишлаш қувватига эга бўлган ушбу корхонани замонавий технологиялар, зарур ускуна ва жиҳозлар билан таъминлаш учун 70 миллион сўм сарфланди. Натижада бу ерда ўнга яқин иш ўрни яратилди. Қишлоқ мулкдорлари қисқа вақт ичида буюртмачиларга 274 миллион сўмлик маҳсулот етказиб беришди.

Умуман, туман тадбиркорлари томонидан якунланган йилда 19 миллиард 715 миллион сўмликдан зиёд халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди.

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Биз ва жаҳон

Яқинда Париждаги Конгресслар саройида навбатдаги Халқаро онкологлар конгресси бўлиб ўтди. Жорий йилда йигирма тўртинчи маротаба ташкил этилган мазкур тадбирда икки минг нафардан зиёд етакчи олимлар, шифокорлар ҳамда клиник онология билан шуғулланувчи мутахассис ва тадқиқотчилар иштирок этди. Халқаро конгресс ишида республикамиз Онология илмий маркази мутахассисларидан иборат Ўзбекистон делегацияси ҳам қатнашди.

Ўзбекистонлик мутахассислар Париж халқаро анжуманида

Конгрессда бўлиб ўтган баҳс-мунозаралар чоғида таъкидланганидек, бундай учрашувлар тиббиёт соҳаси ходимларига ўзаро тажриба алмашиш ва билимларини ошириш, жаҳоннинг турли мамлакатларида олиб борилаётган илмий тадқиқотлар ҳамда уларнинг натижалари билан яқиндан танишиш, саратон касалини даволашнинг янги самарали йўллари ҳақидаги долзарб маълумотларга эга бўлиш учун имконият яратади.

Халқаро онкологлар конгресси қатнашчилари томонидан бутун дунёда саратон касалига чалинган беморлар сонининг ортиб бораётгани, мазкур касалликнинг олдини олиш ва даволаш йўлларини ишлаб чиқиш, ўзаро тажриба алмашиш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди. Париждаги конгресс ва унда тақдим қилинган маълумотларга кўра, бутун дунёнинг мутахассис-олимлари онкологик касалликларни даволашнинг самарали йўлларини ишлаб чиқишда тобора кўпроқ муваффақиятларга эришаётгани баробарида, мазкур йўналишдаги изланишлар давом этмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда саратон касаллигининг олдини олиш ва даволашга жиддий эътибор қаратилаётир. Конгресс давомида мамлакатимиз вакиллари бу йўналишда эришилган ютуқларни ўзида ифода этган маъруза ва тақдимотлар билан чиқдилар. Республика Онология илмий маркази шифокори Нодира Шомансурованинг "Кўкрак бези саратонида P-53, BCL-2, Ki-67 маркерлари" мавзуига бағишланган маърузаси халқаро ҳакамлар ҳайъати томонидан энг яхши маърузалардан бири сифатида эътироф этилди.

Шундай қилиб, ўзбекистонлик олим ва шифокорларнинг Халқаро онкологлар конгресси сингари жаҳон миқёсидаги тадбирлардаги иштироки нафақат онология соҳасида эришилган муваффақиятлар билан танишиш ҳамда уларни юртимизда жорий қилиш, балки республикамиз мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган янги даволаш усулларини дунё тиббиёт ҳамжамиятига намойиш этиш учун ҳам қулай имконият яратмоқда.

«Жаҳон» АА.
Париж

Қисқа сатрларда

● Фарғона вилояти хотин-қизлар қўмитаси ҳамда "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ташаббуси билан ҳудуддаги 80 та оилага тикув машиналари ҳадя этилди. Ҳозир ана шу имкониятдан баҳраманд бўлганлар касаначилик асосида меҳнат қилиш ва тикувчилик фаолияти билан шуғулланиш ҳаракатида.

● **Денов туманининг Сина қишлоғидаги "Ҳидоятулло Али" масъулияти чекланган жамиятида пишиқ ғишт ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Ҳозир корхонанинг 15 кишилик жамоаси томонидан кунига 3 минг дона маҳсулот тайёрланиб, буюртмачиларга етказиб берилмоқда.**

● Навоий индустриал-иқтисодиёт коллежида "Енгил саноат таълим йўналишидаги ўқув-амалий машғулотларни инновацион технологиялар асосида ташкил этиш" мавзуида семинар бўлиб ўтди. Унда Навоий вилоятидаги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари раҳбарлари, ишлаб чиқариш таълим усталари ҳамда Бухоро ва Самарқанд вилоятларидан келган педагоглар қатнашди. Тадбир давомида иштирокчилар "Навоийазот" очиқ акциядорлик жамиятида коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш тажрибаси билан ҳам танишдилар.

● **Сайхунобод туманидаги "Шерзод-Ш" фермер хўжалиги қошида "Микрокредитбанк" томонидан ажратилган 20 миллион сўмлик кредит ҳисобига балиқчилик фаолияти йўлга қўйилди. Жамоа аъзолари жорий йилда 35 гектар майдонда ташкил этилган сув ҳавзаларида 30 тонна лукмаи ҳалол етиштириб, аҳоли дастурхонига тортиқ этишни мақсад қилишган.**

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

Инновацион технологиялар

ишлаб чиқариш самарадорлигини орттириш имконини бермоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Зеро, ишлаб чиқаришга янги технологияларнинг жорий этилиши маҳсулот сифатини тубдан яхшилаш имконини берди. Умуман, Юртбошимиз раҳнамолигида ёнилғи-энергетика мустақиллигига эришиш йўлидаги вазифаларнинг босқичма-босқич амалга оширилиши бугун мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Агар ёдингизда бўлса, 1990 йиллар бошида республикамиз ҳар йили хориждан 6-7 миллион тонна нефть ва нефть маҳсулотлари сотиб олишга мажбур бўлар эди. Ўша пайтда бир баррель нефтнинг баҳоси 15-20 доллар турган бўлса, айни пайтга келиб, 100 доллардан ошиб кетди. Шундай экан, нефть маҳсулотларини четдан харид этиш туфайли мамлакат иқтисодиёти қанча зарар кўришини тасаввур қилиш қийин эмас.

Яна бир эътиборли жиҳат: ўтган даврда "Муборакнефтгаз", "Шўртаннефтгаз", "Муборак газни қайта ишлаш заводи" унитар-шўъба корхоналарида янги ишлаб чиқариш қувватлари барпо этилди, "Шўртан газ-кимё" мажмуаси ишга туширилди. "Гиссарнефтгаз", "Кўкдумалоқгаз", "Шўртангазмаҳсулот" қўшма корхоналари ташкил этилди. Муборак газни қайта ишлаш заводида янги блоклар, Кўкдумалоқ ва Шўртанда янги компрессор станциялари қурилди, навбатдаги қудуқлар фойдаланишга топширилди.

Айтиш керакки, кейинги йигирма йил ичида Муборак газни қайта ишлаш заводида маҳсулот тайёрлаш ҳажми 6 миллиард кубометрга кўпайди. Суюлтирилган газ ва газ конденсати ишлаб чиқариш қувватига эга янги — газдан пропан-бутан аралашмасини олиш мажмуаси ишга туширилиши, газни олтингугуртли бирикмалардан тозалаш учун қўшимча иссиқлик алмаштириш ҳамда аммиак билан совитиш ускуналарининг ўрнатилиши ҳисобига маҳсулот сифати янада яхшиланди.

Завод мутахассисларининг таъкидлашича, мажмуада амалиётга жорий этилаётган рационализаторлик таклифлари, ихтиро ва янгиликлар жамоага ҳар йили миллионлаб сўм миқдорида иқтисодий самара келтираётир. Шундан келиб чиқиб, айни пайтда илғор технологияларни жалб этиш мақсадида Швейцария, Испания, Германия, Чехия каби давлатларнинг нефть ва газ саноати корхоналари тажрибаси чуқур ўрганилмоқда. Мазкур йирик инвестиция лойиҳаси тўлиқ рўёбга чиқарилгач, суюлтирилган газ ишлаб чиқариш ҳажми республикамизда қарийб 20 баравар ошиши кутилаяпти.

Яқин келажакда эса ишлаб чиқарилаётган табиий газни чуқур қайта ишлашга ихтисослаштирилган газ-кимё мажмуаси (Устюрт газ-кимё мажмуаси) барпо этиш ва унда 500 минг тонна полиэтилен ишлаб чиқариш режалаштирилмоқда. Бу эса истиқболда янгидан-янги муваффақиятлар сари йўл очиши, шубҳасиз.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.
Шомурот ШАРАПОВ олган суратлар.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Меҳнат бозорида ижобий кўрсаткичлар

Буюк Британия меҳнат бозорида ижобий томонга силжиш кузатилмоқда.

Бу ҳақда "Евроньюс" телеканали хабар тарқатди. Яъни 2012 йилнинг сўнгги ойларида мамлакатда иш билан банд бўлганлар сони 29,73 миллион кишига етган. Мазкур ҳолат охирги 40 йил ичидаги энг юқори кўрсаткичдир. Ўз навбатида, жорий йилнинг январь ойига келиб, ишсизлиги учун ёрдам пули оладиганлар сони ҳам 12,5 минг кишига камайган.

Жиноий тўда фош этилди

Испанияда олиб борилган тезкор чора-тадбирлар натижасида гиёҳвандлик моддалари савдоси билан шуғулланаётган жиноий гуруҳ аъзолари қўлга олинди.

Ушланганлар 63 киши бўлиб, улар орасида қамоқхона хизматчиси, полиция ходими каби масъул вазифаларда ишлаб келган шахслар ҳам борлиги айтилмоқда. Махсус амалиёт пайтида жиноий гуруҳга тегишли бўлган, қиймати 3,5 миллион еврога тенг кокаин, марихуана ва бошқа гиёҳвандлик моддалари далилий ашё сифатида олиб қўйилган.

Акциялар сотилади

Япония ҳукумати яқин кунлар ичида "Japan Tabacco" компанияси акцияларининг давлатга тегишли қисми сотилишини маълум қилди.

"The Japan Daily Press" нашрининг ёзишича, айни пайтда мамлакат молия вазирлигига корхонанинг 50 фоиз ва қўшимча яна битта акцияси тегишли. Ҳукумат шунинг учдан бир қисмини 10 миллиард АҚШ долларига сотмоқчи. Ундан келадиган маблағни 2011 йилда мамлакатда юз берган зилзила ва цунами талафотларини бартараф этишга йўналтириш кўзда тутилаяпти.

Охирги уч ой ичида "Japan Tabacco"нинг ишлари анча юришиб, капитали 36 фоизга ортган.

Иккинчи уриниш

АҚШнинг "The New York Times Co" корпорацияси Массачусетс штатида чоп этиладиган "The Boston Globe" газетасини сотишга қарор қилди.

Ушбу нашр 2008 йилда ҳам савдога қўйилган эди. Аммо орадан бир йил ўтиб, корпорация маъмурияти бу фикридан қайтганини билдирганди.

"The New York Times Co" газетани 150 — 170 миллион доллар таклиф қилган харидорга пуллашга тайёр. Ваҳоланки, корпорациянинг ўзи уни 1993 йилда 1,1 миллиард долларга сотиб олган эди.

Товон тўлайди

Маълумки, 2010 йилнинг апрель ойида Мексика кўрфазидаги нефть платформасида юз берган портлаш оқибатида катта миқдордаги углеводород хом ашёси уммонга оқиб кетган эди.

Натижада АҚШ флора ва фаунаси жиддий зарар кўрганди. Куни кеча мазкур воқеа сабабчиларидан бири — Швейцариянинг "Transocean Deepwater" компанияси устидан АҚШ федерал суди ҳукм чиқарди. Унга кўра, компания АҚШга 1,4 миллиард доллар миқдорида товон пули тўлайди.

Бундан аввал нефть платформасидаги портлашга асосий сабабчи саналган "British Petroleum" компанияси 4,5 миллиард доллар миқдоридаги жаримага тортилган эди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

● Реклама ва эълонлар ●

«ШЎРТАН ГАЗ-КИМЁ МАЖМУАСИ» УШКга қарашли

SNP Shurtan Navoi Plast-PE

«POLIETILEN QUVURLAR» ШЎЪБА КОРХОНАСИ

ҳозирги кунда Австрия, Германия, Хитой давлатларининг «Battenfeld-Cincinnati», «ZHANGJIANG BAIXIONG KLIMENS MASHINERY CO.LTD» каби етакчи компанияларидан келтирилган ускуналарда ишлаб чиқарилаётган юқори сифатли, диаметри 20, 25, 32, 40, 50, 63, 75, 90, 110, 125, 140, 160, 180, 200, 225, 250 мм. бўлган тўрт хил — «SDR 41», «SDR 26», «SDR 17.6», «SDR 11» турдаги полиэтилен қувурларни истеъмолчиларга етказиб бермоқда.







Шунингдек, корхона Италия давлатининг «Ritmo» фирмасидан келтирилган ускуналарда барча турдаги полиэтилен қувурларга бутловчи қисмлар (фитинглар) ишлаб чиқармоқда.

Маҳсулотлар ISO 9001-2008 халқаро стандартларига мувофиқ, сифат менежменти тизими асосида тайёрланади.

Маҳсулот сифати мувофиқлик, гигиена, экологик сертификатлари билан тасдиқланган.

«POLIETILEN QUVURLAR» ШК мижозларни ўзаро манфаатли ҳамкорликка таклиф этади.

210609, O`zbekiston Respublikasi, Navoiy viloyati, Karmana tumani, Malikrabot qo`rg`oni. «Navoiy» erkin industrial-iqtisodiy zonasi.
Tel.: (8-436) 220-00-35, 220-00-34. Faks: 220-00-36. E-mail: pe_plast@mail.ru web-sayt: pe_plast.uz
2236/

Орзигулнинг орзуси

Навоий шаҳрилик тадбиркор Орзигул Туробова раҳбарлик қилаётган "Афсона-Умид" хусусий корхонаси вилоятдаги ишлаб чиқариш субъектлари учун махсус кийим-бош тайёрлашга ихтисослаштирилган.

Кичик бизнес

— Ўтган йили банкнинг 100 миллион сўмлик кредити эвазига мазкур лойиҳани рўёбга чиқардик, — дейди корхона раҳбари Орзигул Туробова. — Тикув дастгоҳларимиз компьютерлаштирилган. Бу эса иш самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда. Келгусида фаолиятимизни янада кенгайтириб, маҳсулотлар турини кўпайтиришни мўлжаллаяпмиз.

Умуман, 2012 йили Навоий шаҳрида шу каби кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида тижорат банклари томонидан 88 миллиард сўмликдан ортиқ кредит маблағлари ажратилди.

А. ЗАРИПОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«ЎЗБЕКИНВЕСТ»
ЭКСПОРТ-ИМПОРТ МИЛЛИЙ СУҒУРТА КОМПАНИЯСИ

«МИНГИНЧИ МИЖОЗ»

акцияси ўтказилишини маълум қилади.

Акция компаниянинг Суғурта маркази ҳамда ҳудудий филиалларида **2013 йилнинг 1 февралидан то 1 апрелигача** бўлган давр ичида суғурта полисини сотиб олган жисмоний шахслардан иборат мижозлар ўртасида ўтказилади.

Юзинчи, беш юзинчи, мингинчи мижозлар акция ғолибига айланадилар ва уларга қимматбаҳо мукофотлар соврин сифатида топширилади.

Акция ғолибларига мукофотларни тақдим этиш маросими **2013 йилнинг апрель** ойида бўлиб ўтади.

«Мингинчи мижоз» акциясига қўшилинг!

«Ўзбекинвест» — суғуртага ишонинг!

Батафсил маълумотни (8-371) 120-03-53, 120-03-54 телефонлари ёки www.uzbekinvest.uz сайти орқали олиш мумкин.
215R/138

«SAGDIANA REAL SERVIS» МЧЖ

савдолар залида 2013 йил 25 март куни соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги объектлар сотувга қўйилганлигини маълум қилади:

1. Жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилояти судининг 2012 йил 5 ноябрдаги 89-сонли ижро варақасига асосан, суд ижрочилари Самарқанд шаҳар бўлими томонидан хатланган, Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 69-уйнинг 3 қаватида жойлашган 72, 73, 74-хонадон (квартира)лар.

Бошланғич баҳоси — 228 115 000 сўм.

2. Жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилояти судининг 2012 йил 3 декабрдаги 104-сонли ижро варақасига асосан, суд ижрочилари Самарқанд шаҳар бўлими томонидан хатланган, Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри, Курчатова кўчасида жойлашган, 2 қаватдан иборат маиший хизмат кўрсатиш комплекси биноси, умумий ер майдони 149,18 кв.м. бўлган, фойдаланиш майдони 258,69 кв.м., хоналар сони 12 та.

Бошланғич баҳоси — 300 664 000 сўм ҳамда бинонинг ичидаги уй жиҳозлари бошланғич баҳоси — 13 257 000 сўм.

Ушбу мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «SAGDIANA REAL SERVIS» МЧЖнинг «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг «Амир Темур» Самарқанд шаҳар бўлимидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904882192001, МФО: 00994, СТИР: 301795054.

Манзилимиз: Самарқанд шаҳри, Абу Райҳон Беруний кўчаси, 196-уй.
Телефонлар: (8-366) 229-03-12, 229-65-88. Мўлжал — Чой қадоқлаш фабрикаси қаршисида.
271A/477

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
Сурхондарё вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Термиз шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Термиз шаҳар судининг 2012 йил 8 октябрдаги 1-175-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Термиз шаҳри, Султон Саодат кўчаси, 13-уйда жойлашган, умумий ер майдони 354,57 кв.м. бўлган, 1984 йилда қурилган, 16 хонадан иборат, 1 қаватли, А литердаги маъмурий бино такроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 135 225 000 сўм.

Аукцион савдоси 2013 йил 13 март куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 11 март куни соат 18.00.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ХОАББ «Трастбанк» Термиз шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609027, МФО: 01063, СТИР: 207122519.

Манзил: Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, Ф. Хўжаев кўчаси, 32-уй, «Тадбиркорлар маркази» биноси.
Телефон: (8-376) 227-57-94. www.1kms.uz

Лицензия: RR-0001.
2724/1453

Қурилиш-монтаж ташкилоти

танлов асосида юқори малакали ходимларни қуйидаги мутахассисликлар бўйича ишга таклиф этади:

- бош энергетик;
- муҳандис-электрик;
- муҳандис-технолог;
- техника хавфсизлиги (ТБ), саноат хавфсизлиги (ПБ), йўл ҳаракати хавфсизлиги (БДД) ва атроф-муҳит муҳофазаси (ООС) бўйича муҳандис;
- ҳужжатлар билан ишлаш бўйича мутахассис;
- диспетчер-алоқачи;
- махсус монтаж ишлари бўйича уста;
- гидротехник иншоотлар бўйича уста;
- субпудрат шартномалари бўйича мутахассис;
- мониторинг ва ҳисобот бўйича мутахассис;
- V-VI разрядли электргазпайвандчилар;
- V-VI разрядли газ билан кесувчилар (газорезчики);
- стропалчилар;
- изоляцияловчилар.

Меҳнат шароити — Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вахта услубида ишлаш ва муносиб меҳнат ҳақи тўланади.

Резюмени қуйидаги манзилга юбориш лозим: e-mail:office@ent-en.com

Маълумот учун телефон: (+99890) 998-38-84.
238A/147

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz
02

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ
очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

«Capital Realtor Group» МЧЖда 2013 йил 27 март куни соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига Суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 21 октябрдаги 1-531/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

1. Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, ТТЗ-1 мавзеси, 21-уй, 17-хонадонда жойлашган, умумий майдони 41,42 кв.м. бўлган уй-жой.

Бошланғич нархи — 46 424 000 сўм.

2. Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, С. Азимов 1-тор кўчаси, 4-уй, 1-хонада жойлашган, умумий ер майдони 432 кв.м., умумий бино майдони 467 кв.м. бўлган, пишиқ ғиштдан қурилган офис ва савдо дўкони.

Бошланғич нархи — 483 190 000 сўм.

3. Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, М. Риёзий кўчаси, 17-уй, 18-хонада жойлашган, умумий майдони 60,46 кв.м. бўлган уй-жой.

Бошланғич нархи — 81 971 000 сўм.

4. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Юнус Ражабий кўчаси, 72-уй, 22-хонада жойлашган, умумий майдони 143,33 кв.м. бўлган уй-жой.

Бошланғич нархи — 248 075 000 сўм.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 18.00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир кун қолганда, соат 17.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Capital Realtor Group» МЧЖнинг ОАТБ «Капиталбанк» «Мирзо Улуғбек» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй.
Телефон: (8-371) 250-19-24.
Лицензия: № RR-0017.
2734/1192

«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК

ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотади.

(ҚҚС билан)

«Тошкент труба заводи» ҚК сизга шуни маълум қиладики, бизнинг корхона «API-5L» стандарти бўйича Ø325, Ø377, Ø426, Ø530, Ø630, Ø720, Ø820, Ø920, Ø1020, Ø1220, Ø1420, Ø1620 мм.гача, деворининг қалинлиги 6,0 — 24,0 мм. бўлган, электрпайвандланган, спирал чокли қувурлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирди.

Қувурлар Х42 мустаҳкамлик гуруҳи бўйича ишлаб чиқарилади.
Қувурлар 3845-65 ГОСТ бўйича гидравлик босимда синовдан ўтказилган.

Баҳоси — 1 тонна учун 3 950 000 сўм. Тўлов пул ўтказиш йўли билан.

2013 йилдаги эҳтиёжни йил чораклари бўлиб беришингизни сўраймиз.

Телефонлар: (8-371) 241-31-72, 241-29-94. Факс: (8-371) 241-31-94.
11R/109

Сара уруғ — юқори ҳосил гарови

Испаниянинг «FITO SEMILLAS» компаниясининг Ўзбекистондаги вакили ўз омборидан

маккажўхори ва чорва озуқа экинлари уруғларини таклиф қилади.

УРУҒЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН ВА ДАВЛАТ РЕЕСТРИГА КИРИТИЛГАН.

Маълумот учун телефонлар: (+99893) 382-56-57, (+99890) 935-88-46.
Факс: (+99871) 257-58-61.
180R/124

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси жамоаси бош мутахассис Санжарбек Жумашовга падари бузруквори

ШОНАЗАР отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

СПОРТНИНГ ОЛАМИ СИРЛИ

ИСТЕЪДОД

Шуманай туманилик Санейим Эркинбаевани бугун нафақат Қорақалпоғистонда, балки бутун мамлакатимизда яхши билишади. Эндигина йигирма ёшни қаршилаган бу қиз спортнинг кураш, дзюдо турларида қатор муваффақиятларни қўлга киритиб, шундай даражага эришган.

Санейим илк ғалабасини 3-синфда ўқиб юрган пайтида, мактабда миллий кураш бўйича ўтказилган биринчиликда қўлга киритган эди. Ўшанда у ютуғидан руҳланиб, спорт билан астойдил шуғулланишга аҳд қилди.

Шуманайлик чемпион қиз

Мақсадини отаси Давлатбой акага айтди. Фарзанди кўзидаги шижоатни илғаган ота уни Нукус шаҳридаги 1-кўп тармоқли кураш мактабига етаклаб борди. Жажжи қизчанинг кўнглидаги улкан мақсадларни эшитиб, тажрибали мутахассис Равшан Холиқов унинг маҳоратини оширишга бажонидил рози бўлди.

Очиғи, ота-она бағридан бир оз узоқлашган Санейим аввалига уйини, яқинларини соғиниб қийналди. Аммо спортнинг сеҳри бор, у инсонни чиниқтиради, иродасини тоблайди, деганлари рост экан. Вақт ўтиб, қизча ўзини қўлга олди, ҳисҳаяжонини бир четга суриб қўйиб, машғулотларга зўр берди. Бу саъй-ҳаракатлари ўз самарасини ҳам кўрсата бошлади. 9-синфда ўқиб юрган кезларида Қорақалпоғистон Республикаси чемпионатида ғолиб чиқди. Ушбу ғалаба қаҳрамонимизга мамлакат миқёсидаги мусобақаларда иштирок этиш учун кенг йўл очди. Шундан сўнг Санейим Эркинбаева Ўзбекистон чемпионатида 11 марта зафар қучди.

Ўтган йил полвон қиз учун яна да омадли кечди. Май ойида Қарши шаҳрида дзюдо бўйича ўтказилган республика чемпионатида олтин медални қўлга киритиб, имтиёзли равишда олий ўқув юрти талабалари сафига қўшилди. Ўзи ҳам, яқинлари ҳам хурсанд. Ахир бундай бахтдан қувонмай бўладими?!

2012 йилнинг 25 — 29 октябрь кунлари Буюк Британиянинг Борнмут шаҳрида миллий кураш бўйича ўсмирлар ва ёшлар ўртасида жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Унда шуманайлик полвон қиз 78 килограмм вазн тоифасида қатнашиб, учинчи ўринни эгаллади. Бу унинг халқаро майдондаги илк ютуғи эди. Ана шу муваффақият навбатдаги марралар сари дадил қадам ташлашга ундади. Жумладан, жаҳон чемпионати якунланганидан бир оз вақт ўтгач, аниқроғи, 8 — 12 декабрь кунлари кураш бўйича Ҳиндистоннинг Кочи шаҳрида ўтказилган VII Осиё чемпионатида Санейим ажойиб натижа кўрсатиб, юртимизга олтин медаль билан қайтди.

— Аслида, истеъдод бобида қизлар ҳам йигитлардан асло қолишмайди, — дейди чемпион қиз. — Ана шу ҳақиқат юртимизда хотин-қизларга қаратилаётган юксак эътибор, айниқса, уларни спортга кенг жалб этиш борасидаги ғамхўрлик туфайли ўз исботини топаяпти. Шундай бағрикенг мамлакатда туғилганимиздан, униб-ўсаётганимиздан бахтиёрмиз. Бу доимо олға интилишимиз учун рағбат бўлаётир. Ана шундай юксак ғамхўрликка жавобан жорий йилда Жанубий Кореянинг Инчеон шаҳрида ёпиқ иншоотларда ўтказиладиган ҳамда жанговар яккакурашлар бўйича бўладиган Осиё ўйинлари ва 2016 йили Рио-де-Жанейро шаҳрида ташкил этиладиган XXXI ёзги Олимпиадада зафар қучишни дилимга тукканман. Насиб қилса, албатта, бу мақсадимга эришиб, Ўзбекистон байроғини баланд кўтараман.

Таъкидлаш жоизки, бугун мамлакатимизда Санейим каби илм-фан, санъат, маданият ва спорт соҳаларида улкан муваффақиятларга эришиб, юртимиз довруғини оламга ёйишга ҳисса қўшаётган ёшлар кўпчиликни ташкил этади. Бу улар таълим-тарбияси йўлида яратилаётган шарт-шароитлар билан чамбарчас боғлиқ.

— Манзилли дастурга асосан, биргина ўтган йили Қорақалпоғистон Республикасида 10 та болалар спорти объекти, хусусан, 5 та янги иншоот ҳамда 5 та мактабда спорт заллари қурилди, — дейди Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Қорақалпоғистон Республикаси филиали директори Б. Қалабаев. — Бунинг учун 9 миллиард 730 миллион сўм йўналтирилди. Ишончимиз комилки, ана шу спорт мажмуаларида Санейим Эркинбаева каби кўплаб истеъдодлар камолга етади.

Ҳидоят АҲМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Боулинг бизга бегона эмас

Боулинг (инглизча — думалатмоқ) — шарлар ёрдамида ўйналадиган спорт тури бўлиб, у қадимги кегли ўйини асосида яратилган. Чунки кегли ўйинида ҳам муайян тартибда қўйилган фигуралар шар юмалатиб уриш орқали йиқитилади.

Манбаларда қайд этилишича, антрополог Флиндерс Петри (Буюк Британия) 1930 йили Мисрдаги болалар хоки қўйилган эски қабристондан бир қатор осориатиқаларни топишга муваффақ бўлади. Улар орасида боулинг кеглисига ўхшаб кетувчи буюм ҳам бор эди. Шунга асосланиб, олим мазкур ўйиннинг келиб чиқиш тарихи милоддан аввалги 3200 йилга бориб тақалишини тахмин қилади...

Ҳозир анча оммалашган боулинг ўйининнинг асосий қоидаси кам уриниш билан кўпроқ натижага эришишдир. Унда икки чети тўсилмаган узун йўлакчадан тўғри ва куч билан юмалатилган шар (копток) қатор тизилган предмет (кегли)ларнинг ўртасига тегиши ва улар қулатилиши лозим.

Бугун боулингнинг тури ҳам кўп. Масалан, 5, 10 кеглилиси мавжуд. Бундан ташқари, бу ўйин кеглилар миқдорига қараб эмас, балки ҳар бир фреймдаги уринишлар сони, қиймати билан ҳам фарқланади. Кэндлпин-боулинг эса, аввало, номи билан ажралиб туради. Унда нишон ўрнида цилиндрсимон шамлар ўрнатилади (улар одатий предметлар каби конуссимон эмас).

Боулингнинг халқаро мусобақаларда кенг қўлланиладиган инвентарлари ўтган асрнинг 30-йилларида АҚШдаги "American Machinery and Foundry" корхонаси ходими Готтфрид Шмидт томонидан яратилган. Яъни у кеглиларни нишонга қайта турғазувчи ва шарни қайтарувчи автоматик қурилмани ихтиро қилади. Бу эса мазкур ўйиннинг янада оммалашишига олиб келди. 1970 йилдан бошлаб эса очколарни ўзи ҳисоблаб борувчи компьютерлаштирилган қурилмадан ҳам фойдаланила бошланди.

Эътиборга молик жиҳати, боулинг қоидаларини ўзлаштириш унчалик ҳам мураккаб эмас. Хусусан, бир партия 10 та фреймдан ташкил топади. Ҳар бир фрейм 2 уринишдан иборат бўлади. Агар ўйинчи биринчи уринишдаёқ барча кеглини ағдара олса, бундай ҳолат *страйк* (инглизча — зарба) деб аталади ва у ғолиб бўлади.

Агар кеглилар икки уринишда йиқитилса, у *спэа* (инглизча — захира) дейилади. Мабодо икки уринишдан кейин ҳам (бири-бирига узоқ жойлашган) кеглилар қолиб кетса, у ҳолат *сплит* (инглизча — ажралган) дейилади. Сплит ҳолатига тушиб қолган ўйинчига яна имконият берилади. Агар улардан унумли фойдаланилса, спэа очкоси ёзилади, акс ҳолда, у мағлубиятга учрайди.

Шу ўринда боулинг ўйини предметлари хусусида ҳам тўхталиб ўтсак. Боулинг шарлари ҳамда кеглилар ҳозирги кунда полиэстр ва полиуретандан тайёрланади. Шарнинг айлана узунлиги 68,58 см., вазни 7,258 кг.дан ошмаслиги керак. Кеглиларнинг баландлиги 38,1 см., оғирлиги 1,531 кг.дан 1,644 кг.гача бўлади. Шар думалайдиган йўлакча узунлиги эса 18 метрдан ва кенглиги 1 метрдан кўпроқни ташкил этади.

Профессионал ҳамда ҳаваскорлар учун ишланган коптоклар материали ва тузилиши жиҳатдан фарқланади...

Ҳозир дунёнинг 120 дан ортиқ мамлакатида боулинг ўйналади. Қарийб 100 миллион нафардан зиёд киши ушбу спорт тури билан мунтазам шуғулланади. Сайёрамиздаги энг катта — 141 йўлакчага эга боулинг маркази Японияда жойлашган.

Биласизми?

Юртимизда ҳам боулинг оммавийлашиб бормоқда. Бу, албатта, яратиб берилган шарт-шароитлар билан боғлиқ. Ўзбекистон боулинг федерацияси фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, у турли мусобақаларни ташкил этиб келади.

Аслида, мазкур қизиқарли ўйин халқимиз учун унчалик ҳам янгилик эмас. Чунки аждодларимиздан мерос қолган танани чиниқтирувчи, ақлни тобловчи ҳаракатли ўйинларимиз орасида айнан боулингга ўхшайдиганлари ҳам бор. Масалан, "тош уриш", "беш тош" каби ўйинларимизнинг мақсад-моҳияти боулингни эслатади...

Қисқаси, боулинг инсоннинг қўл ва оёқ мушаклари чиниқиши, гавданинг тўғри ривожланиши, аниқлик, масофани ҳис қилиш қобилиятларини ўстиради. Айниқса, боулинг ўйини болалардаги мантиқий фикрлаш салоҳияти ривожланишига ижобий таъсир кўрсатар экан.

Зоҳиджон ХОЛОВ тайёрлади.

Маҳорат машқларда сайқалланади

Ўқинг, қизиқ

Кўпчилик дзюдо ишқибозлари мазкур спорт турида энг юксак малака даражаси 10-дан деб ҳисоблашади. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки дунёга машҳур дзюдо усталарининг аксарияти шу мавқени забт этишган. Аслида эса, яккакурашнинг мазкур турида 12-дан мавжуд. Ҳозиргача унга фақат дзюдо асосчиси Дҳигаро Кано эришган.

«Энди хоккей ўйнаманг»

Ёзги Олимпиада ўйинлари тарихида совриндор бўлган энг ёши катта спортчи швециялик Оскар Гомер Свандир.

У 1920 йилда Бельгиянинг Антверпен шаҳрида ўтказилган мусобақанинг ўқ отиш баҳсларида кумуш медални қўлга киритганида 72 ёшда эди. Оскар 1908 ва 1912 йилларда ташкил этилган Олимпиада ўйинларининг ҳам учта олтин ва иккита бронза медалини ютиб олган.

Ватикан ҳудуди бўйича дунёдаги энг кичик давлат ҳисобланса-да, бу ерда ҳам футбол лигаси мавжуд. Унда бешта — "Банк", "Кутубхона", "Музей", "Почта" ва "Гвардиячилар" клублари чемпионлик учун кураш олиб боради.

"Detroit Free Press" нашри олиб борган кузатишларга кўра, Миллий хоккей лигасида иштирок этаётган спортчиларнинг 70 фоизи фаолияти давомида камида биттадан тишидан айриларкан. Бунга баҳслар давомидаги тўқнашувлар сабаб бўлади. Қизиқ жиҳати, улар стоматологга мурожаат қилганларида, ҳаммасига бир хил: "Энди хоккей ўйнаманг", дея тавсия берилган.



Бунисига нима дейсиз?

Испаниянинг "Барселона" клуби ва Аргентина терма жамоаси ҳужумчиси Лионель Месси номи энди луғатдан ҳам жой олди.

Мессини луғатдан қидирасиз

"El Mundo Deportivo" газетасининг ёзишича, янги "Месси" сўзи сифат сўз туркуми қаторида Испаниянинг "Santillana" луғатига киритилган. У "қандай?" ва "қанақа?" сўроқларига жавоб бериб, иккита маънони ифодалайди. Биринчиси, "Месси услубида ўйнаш" ва "Ўзини намоён этишнинг чегарасиз имконияти" бўлса, иккинчи маъно "Барча даврларнинг энг яхши футболчиси" деганидир.

Табассум

Оёғи осмонда

Кемалар пойгаси ўтказилмоқда. Тўсатдан ахборотчи ҳакам эълон қилиб қолди:

— Диққат! Диққат! 99-рақамли кема зудлик билан алоқага чиқинг.

Шунда унинг олдига бош ҳакам келиб:

— Нималар деяпсиз? Ахир бизда, бор-йўғи, 75 та экипаж беллашмоқда-ку! — дейди.

Ҳакам дурбинни олиб:

— 66-рақамли кема, сизда бирон муаммо борми? 66-рақамли кема, жавоб беринг! 66-рақамли кема... — дея сўзида давом этади.

Бундан қирқ йил олдин футболчилар бир учрашувда ўртача 5 километр масофани босиб ўтишган экан. Ҳозирги пайтга келиб эса, бу борадаги кўрсаткич 8 — 10 километрни ташкил этмоқда.

Йўғ-э?!

Кийимда ҳам гап кўп

Табиийки, ушбу таққос инсоннинг жисмоний имконияти олдингига нисбатан анча ривожланибди-да, деган хулосани келтириб чиқаради. Хўш, ростдан ҳам шундаймикин? Мутахассисларнинг айтишича, аслида, одам танасининг бардошлилик хусусияти ошмаган. Ҳамма гап спортчилар учун тайёрлаб берилаётган либосларнинг қулайлигида. Масалан, бугунги кунда футболчилар учун ишлаб чиқарилаётган бутсалар аввалгиларига нисбатан анча енгил ва эгилувчан. У шунчалик мулойимки, ҳатто ўйинчи ўзига бир размер кичигини кийиб майдонга тушганда ҳам, ноқулайлик сезмайди. Футболка ва шортида ҳам шунга ўхшаш афзалликлар мавжуд. Жумладан, уларнинг матоси спортчининг эркин нафас олишига халал бермайди, аксинча, маълум вақтдан сўнг танада тер ҳосил бўлгач, футболчи ўзини худди кийимсиз ҳаракатланаётгандек ҳис эта бошлайди. Тадқиқотчилар шундай жиҳатлар миллионлар ўйинидаги тезкорликнинг ошишида муҳим аҳамият касб этаяпти, деган хулосаларни билдиришмоқда.

Трансфер дарчаси

Зарбанинг баҳоси қанча?

Футбол — жамоавий ўйин. Шу боисдан ҳам майдоннинг ҳар бир жойида моҳир ижрочилари бўлган жамоа муваффақиятга эришади. Буни яхши англаган клублар мутасаддилари мунтазам равишда таркибларни маҳоратли "чарм тўп" усталари билан тўлдириб борадилар. Бу футбол тилида "Трансфер сиёсати", дейилади. Хўш, миллий чемпионатимиз вакиллари ҳадемай бошланажак янги мавсум олдидан, хорижий клублар эса қишки трансфер дарчасида бу борада қандай ишларни амалга оширдилар? Биз бу гал қайси ўйинчини қайси клуб либосида кўрамиз? Келинг, шулар ҳақида маълумот бериб ўтсак.

Амалдаги чемпион "Пахтакор"нинг, энг аввало, ўз тарбияланувчиларига кўпроқ эътибор қаратиши яхши, албатта. Пойтахт клуби мутасаддилари жорий йилда ҳам ана шу анъанани давом эттиришди. Асосий таркибга Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси аъзолари — Тоҳир Шамсиддинов, Максимилиан Фомин, Жамшид Искандаров, Абдулазиз Юсупов, Абдуллоҳ Олимов ва Игорь Сергеев каби истеъдодлар қўшилди. Шунингдек, бир қатор тажрибали футболчилар — Анвар Ражабов ("Бурирам Юнайтед", Таиланд), Ильдар Маматказин ("Андижон"), Жора Оганесян ("Локомотив") ва Александр Мерзляков ("Шўртан") билан ҳам шартномалар имзоланган.

Ўтган мавсум Ўзбекистон кубогида зафар қучган "Бунёдкор" клуби бу йил ҳам совринлар учун кураш олиб боришни мақсад қилгани аниқ. Жамоа Игорь Таран ("Шўртан"), Фозил Мусаев ва Муроджон Зуҳуров ("Насаф"), Олег Зотеев ("Олмалиқ") каби "чарм тўп" усталарини ўз сафига қўшиб олди.

Энг катта ўзгаришни Тошкентнинг "Локомотив" клубида кўриш мумкин. "Темир йўлчилар" Руслан Мелзиддинов ва Виктор Карпенко ("Бунёдкор"), Фарҳод Тожиев ("Шўртан") ва Санжар Турсунов ("Алания", Россия), Алан Кусов (Россия), Жасур Ҳасанов ("Бухоро"), Салим Мустафоев ва Иван Нагаев ("Динамо"), Павел Смоляченко ("Нефтчи"), Игорь Тимченко (Украина) каби тажрибали футболчилар билан шартнома имзолади. Бундан кўриниб турибдики, клуб ўтган йили қўлга киритилган бронза медалини бу мавсум олтин ёки кумуш медалга айлантириш учун жиддий кураш олиб боради.

Мухлисларини анчадан буён хурсанд қилишнинг уддасидан чиқа олмаётган "Навбаҳор"нинг ҳам янги мавсумдан умиди катта. Буни амалга оширилаётган ўзгаришлар мисолида билиш мумкин. Хусусан, жамоа Лочин Солиев ("Андижон"), Виталий Почуев ва Рўзимбой Аҳмедов ("Динамо") каби тажрибали футболчилар билан шартнома имзолади.

Олий лиганинг бошқа аъзолари ҳам имкон қадар таркибни кучайтиришга ҳаракат қилмоқдалар.

Энди хорижий футбол клубларидаги қишки трансфер бозори натижалари ҳақида тўхталиб ўтсак.

Англиянинг "Арсенал" жамоаси ҳимояни кучайтириш мақсадида Испаниянинг "Малага" клубидан Начо Монреални харид қилди. Ушбу мамлакатнинг яна бир вакили, айтиш мумкинки, ишлари унчалик ҳам юришмаётган "Ливерпуль" жамоаси Италиянинг "Интер" клубидан Филиппе Коутиньони сотиб олди. "Челси" (Англия) захирасида ўтириб қолган Даниэль Старриж ҳам эндиликда ливерпулликлар шарафини ҳимоя қилаяпти. У янги жамоа ўйинига тезда киришиб кетди ва кетма-кет голлар ура бошлади.

Испаниянинг "Вильярреал" клубида тўп сурган италиялик ҳужумчи Жузеппе Росси ниҳоят ўз юртига қайтди. У "Фиорентина" клуби сафида мамлакат чемпионатида маҳоратини намойиш этади.

Англиянинг "Куинз Парк Рейнжерс" клуби муваффақиятсизликдан чиқиб кетиш мақсадида "Марсель" (Франция)дан ҳужумчи Лоик Реми ва "Анжи" (Россия)дан ҳимоячи Кристофер Самбани ўз сафига қўшиб олди.

Матео Ковачич. Номи унчалик таниқли бўлмаган бу футболчи қишки трансферда энг қиммат футболчилар рўйхатига кирди. "Динамо" (Загреб)да ўйнаган ушбу "чарм тўп" устаси "Интер" (Италия)да фаолиятини давом эттирадиган бўлди. Бир вақтлар "Аякс", "Бавария" ва "Ювентус" каби номдор клублар эътиборига тушган 18 ёшли бу йигитча нималарга қодирлиги тез орада ойдинлашади.

"Милан"(Италия)нинг келажаги, дея эътироф этилган бразилиялик ҳужумчи Алешандре Пато эса ўз юртига — "Коринтианс"га йўл олди.

Омма эътиборини ўзига доимо тортадиган италиялик машҳур ҳужумчи Марио Балотелли яна Милан шаҳрига қайтди. Аммо бу сафар у собиқ жамоаси "Интер"нинг ашаддий рақиби "Милан" сафига ўтди. Марио "Манчестер Сити" (Англия) захирасида ўтириб, зерикиб кетган кўринади. Негаки, янги клуби таркибида дастлабки ўйиндаёқ икки бор рақиб дарвозасини аниқ нишонга олиб, "Милан"нинг ғалабасини таъминлади. Янги мураббийи ҳам уни кўпроқ асосий таркибда майдонга тушира бошлади.

Франциянинг "Пари-Сен Жермен" клуби жорий мавсумдаги энг қиммат трансферни амалга оширди. Жамоа Лукас Моура учун Бразилиянинг "Сан-Паулу" клуби ҳисобига 40 миллион евро ўтказиб берди. Шунингдек, ушбу клубда Англия футболининг афсоналаридан бири Дэвид Бекхэм ҳам фаолиятини давом эттиради. У жамоа билан беш ойга шартнома тузди. Қизиқ жиҳати, бу муддат ичида Дэвид маош олмайди. Футболчи ўз хоҳишига кўра, иш ҳақини хайрия фондлари ҳисобига ўтказишларини сўраган.

Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 254. 131 918 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ISSN 2010-8788

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 21.40 1 2 3 4 5